

Таянч (базавий) олий таълим муассасаси тўғрисида Низом

I. Умумий маълумотлар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 июл “Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 341-сон Қарори, “Олий таълим тўғрисида” Низом ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (кейинги ўринларда Вазирлик)нинг 2008 йил 5 январдаги “Вазирлик ҳамда олий таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2-сон буйруғида белгиланган вазифалар ижросини сифатли таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилди.

2. Таянч (базавий) олий таълим муассасаси (кейинги ўринларда –ОТМ) Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғи билан ўзаро яқин билим ва таълим соҳалари ҳамда таълим йўналишлари бўйича талаб даражасидаги моддий-техника, илмий-услубий салоҳиятга эга, юқори малакали мутахассислари бўлган олий таълим муассасалари каторидан (тасарруфида ОТМлари бўлган вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда) белгиланади.

3. Таянч (базавий) олий таълим муассасасида “Таянч (базавий) олий таълим муассасаси Кенгаши” тузилади ва унинг таркибига турдош таълим йўналишлар бўйича кадрлар тайёрловчи асосий ОТМлари раҳбар ва мутахассислари киритилади.

Таянч (базавий) олий таълим муассасаси Кенгаши фаолиятини ректор бошқаради. Таянч (таянч) олий таълим муассасаси кенгаши қарори бириктириган ОТМлари томонидан бажарилиши шарт.

II. Таянч (базавий) олий таълим муассасасининг мақсад ва вазифалари

4. Таянч (базавий) олий таълим муассасасининг асосий мақсади – Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқ дунё андозаларига жавоб берадиган рақобатбардош кадрлар тайёрлашда бириктирилган таълим йўналишлари ва мутахассисликлари ҳамда ушбу йўналишлар бўйича кадрлар тайёрлайдиган ОТМларини профессор-ўқитувчилар ва методик таъминотини мувофиқлаштириб бориш.

5. Таянч (базавий) олий таълим муассасасининг вазифа ва функцияларига қуйидагилар киради:

олий таълим йўналишлари (мутахассисликлари) бўйича бириктирилган (буйруқнинг 2-илловасига мувофиқ) ОТМларга ўқув-услубий ёрдам кўрсатиш;

олий таълимнинг таълим йўналишлари (мутахассисликлари) бўйича такомиллаштирилган Давлат таълим стандартлари, таълим дастурлари мазмунига ҳамда битирувчиларнинг малакавий даражасига бўлган талаблар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

бириктирилган йўналиш (мутахассисликлар) бўйича кадрлар тайёрлайдиган ОТМларда таълим ва битирувчилар сифатига баҳо бериш, тегишли таклифлар киритиш, битирув ишлари танловларини ўтказиш;

ўқув жараёнига жорий этилган ўқув режа ва фан дастурларини, шунингдек, янги педагогик технологияларни бириктирилган турдош таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўлган олий таълим муассасаларида доимий татбиқ этишда амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш;

бириктирилган таълим йўналишлари бўйича битирув малакавий ишлар ҳамда магистрлик диссертацияларнинг намунавий мавзуларини ишлаб чиқиш ва ОТМларга тавсиялар бериш;

бириктирилган таълим йўналишлари (мутахассисликлари) бўйича ўқитиладиган фанлардан баҳолаш мезонлари ягоналигини таъминлаш борасида услубий кўрсатмалар ишлаб чиқиш;

таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси масалаларини таҳлил қилиш, тавсиялар бериш ва амалга ошириш;

ўқув-тарбиявий ва маданий-маърифий фаолиятни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

замонавий педагогик технологиялар ҳамда инновацион муаммолар бўйича олимлар, педагоглар ва талабалар ўртасида давра суҳбатлари, ўқув семинар ва тренингларни ҳамда илмий конференцияларни доимий ҳамкорликда ташкил этиш, муҳока қилиш;

Олий таълим йўналишлари (мутахассисликлари) бўйича соҳалар ва иқтисодиёт тармоқлари билан ҳамкорликда кадрларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш ва ахборот банкени яратиш;

таълим йўналишлари (мутахассисликлари) бўйича услубий ва моддий-техник таъминотга қўйилган минимум талабларни ишлаб чиқиш, уни ривожланган давлатлар тажрибаси асосида доимий такомиллаштириб бориш;

бириктирилган ОТМларини минимум талаблар асосида ўрганиб чиқиш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар тайёрлаш ва амалга оширилишини назорат қилиш;

бириктирилган барча ОТМлари йўналиш (мутахассисликлари)ни дарслик ва ўқув-услубий адабиётлар билан таъминлаш;

кафедраларни профессор-ўқитувчилар билан таъминлаш, ёшларни илмий фаолиятга жалб қилиш учун илмий раҳбарликни таъминлаш, жойларда илмий мактаблар ташкил қилиш;

профессор-ўқитувчиларнинг касбий маҳорати, илмий салоҳиятига қўйиладиган талабларни, эришилган даражани аниқлаш услублари, мезонлари ва саволномаларини ишлаб чиқиш;

профессор-ўқитувчиларнинг педагогик ва касбий маҳорати, илмий салоҳиятини аниқлаш ва унинг асосида шахсий малака ошириш дастур-режаларини ишлаб чиқиш ва бажарлишини назоратга олиш;

ёш педагогларнинг касбий маҳоратини ошириш мақсадида уларни тажрибали профессор-ўқитувчилар таркибидан тайинланган устозларга бириктириш;

соҳалари бўйича илмий муаммолар ва илмий раҳбарлар ҳақида маълумотлар банкини яратиш; йўналиш (мутахассислик)лари бўйича мавжуд ўрта махсус, касб-хунар коллежлари ДТСлари, ўқув режаларини такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш;

йўналиш (мутахассислик)лари бўйича ўрта махсус, касб-хунар таълими учун дарслик ва ўқув-услубий адабиётлар яратиш;

таянч (базавий) олий таълим муассасаси Кенгаши мажлисларида қабул қилинган қарорларни амалда бажарилишини таъминлаш;

олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларининг педагоглари ва раҳбарлари малакасини ошириш ва қайта тайёрланишнинг замонавий ва самарали методларини яратиш ва жорий этиш бўйича Вазирликка тавсиялар киритиш.

III. Таянч (базавий) олий таълим муассасасининг ҳуқуқ ва ваколатлари

6. Таянч (базавий) олий таълим муассасаси ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ қуйидаги ҳуқуқ ва ваколатларга эга:

таянч (базавий) олий таълим муассасаси Кенгаши мажлисларида қабул қилинган қарорлар бажарилишини изчил назорат қилиш ва ўз ваколати доирасида тегишли қарорлар қабул қилиш;

бириктирилган турдош ОТМлардан тегишли маълумотларни олиш;

Давлат таълим стандартларини, ўқув режа ва дастурларини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда меъёрий ҳужжатларни экспертиза ва тақриздан ўтказишда турдош ОТМлардан мутахассисларни жалб этган ҳолда муваққат ишчи гуруҳлар тузиш;

бириктирилган таълим йўналишлари (мутахассисликлари) бўйича кадрлар тайёрлайдиган ОТМларда таълим сифатини текшириш, тавсиялар бериш, эҳтиёж бўлган ҳолда мазкур ОТМларда таълим йўналиши (мутахассислиги)ни ёпиш бўйича таклиф киритиш;

ўқув-тарбия жараёнларига оид инновацион лойиҳалар тайёрлаш, тажриба-синов ўтказиш майдончалари бўйича тавсиялар бериш;

амалга оширилган ишлар тўғрисида Вазирликка ахборот бериш;

янги таълим йўналишлари (мутахассисликлари)ни очиш, қайта йўналтириш бўйича таклифлар киритиш;

дарслик, ўқув қўлланмалар яратиш бўйича ОТМлараро муаллифлар гуруҳларини тузиш;

олий таълимда таълим-тарбия жараёни сифатини таъминлашга йўналтирилган меъёрий-услубий ҳужжатлар бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига таклифлар киритиш;

таълим муассасалари билан ўзаро манфаатли шартномалар тузиш.

IV. Яқуний қисм

7. Таянч (базавий) олий таълим муассасаси ўз фаолиятини олий таълим муассасасига ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширади.

8. Таянч (базавий) олий таълим муассасасининг таянч (базавий) сифатидаги ваколати Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғи билан тўхтатилади.

